



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 8 июнь, № 116 (9011)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 июнь куни «Al Mirqab Capital» компанияси бошқаруви раиси Ҳамад бин Жассим Ол Соний ва «Blackrock» инвестиция компанияси катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлесидан иборат хорижий инвесторлар делегациясини қабул қилди.



Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва мамлакатимизда истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлат-хусусий шерикликда йирик инфратузилма ва саноат лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан, газ ҳамда электр тармоқлари, сув таъминоти тизимини модернизация қилиш, энергия ишлаб чиқариш ва тўплаш қувватлари, катта тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган темир йўллари куриш, кўчмас мулк объектлари ва бизнес инфратузилмасини барпо этиш устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

Музокаралар якунида истиқболли лойиҳаларни тизимли илгари суриш бўйича «Йўл харитаси»ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ Кўриб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф 7 июнь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бутун мусулмон уммати учун муқаддас Қурбон ҳайити — Йид ал-Адҳо муносабати билан бир-бирини самимий табрикладилар. Етакчилар дўст Ўзбекистон ва Покистон халқларига фаровонлик ва раванқ тиладилар.

Покистон Бош вазирининг жорий йил февраль ойида Ўзбекистонга тарихий ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш натижалари муҳокама қилинди.

Стратегик шериклик изчил мустақамлашиб бораётгани, турли даражалардаги мулоқот ва алмашувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ва юк ташишлар ҳажми сезиларли ортмоқда, тўғридан-тўғри авиақатновлар кўпаймоқда. Фармацевтика, қишлоқ ҳўжали-

ги, тўқимачилик, логистика ва бошқа йўналишларда лойиҳалар амалга оширилмоқда. Лаҳор ва Карачида савдо уйлари ташкил этилган.

Жорий йилга режалаштирилган Ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йигилиши ва бизнес форумини самарали ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари минтақавий кўн тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Румен Радев 9 — 11 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ икки мамлакат етакчиларининг музокара-лари, расмий ва ишбилармонлик тадбирлари ўтказилиши, қатор икки томонлама битимлар имзоланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Болгария Президентлари ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш, шу жумладан, товар айирбошлаш ҳажми ошириш, агросаноат мажмуи,

фармацевтика тармоғи, кончилик, рақамлаштириш соҳаларида кооперацияни йўлга қўйиш, туризм ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш масалаларини кўриб чиқадилар.

Болгария Президенти Румен Радев IV Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этади.

Ў.А.

СЛОВАКИЯ БОШ ВАЗИРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА Бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицо 8 — 10 июнь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент шаҳрида олий даражадаги музокара-лар бўлиб ўтади, Ўзбекистон — Словакия кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.

Устувор йўналишлар — савдо, инвестиция ва инновациялар, қишлоқ ҳўжалиги, саноат, энергетика, туризм соҳаларида шерикликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқила-

ди. Халқаро аҳамиятга молик масалалар, жумладан, кўп томонлама майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр алмашилади.

Етакчиларнинг учрашуви якунида Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ташриф доирасида Словакия Бош вазири Роберт Фицо IV Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этади.

Ў.А.

Ўзбекистон — Словакия: КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР АСОСИДАГИ ИЗЧИЛ ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон ва Словакия ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йил 1 январда ўрнатилган. Ўзбекистон ва Словакия ўртасидаги алоқалар узоқ вақтдан бери йирик форматлар соҳида қолиб кетганига қарамай бугунги кунда мулоқотни институционаллаштириш ва тартибга солиш борасида изчил ривожланиш кузатишмоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсати стратегиясининг фаоллашуви ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга қизиқиши ортиб бораётгани фонида расмий Тошкент ва Братислава ўртасидаги муносабатлар янгича суръат олди.

Хамкорлик

Халқаро майдонда мамлакатлар БМТ, ЕХТ, Европа кенгаши, шунингдек, глобал барқарор ривожланиш кўн тартиби билан боғлиқ тузилмалар доирасида ҳамкорлик қилади. Словакия аънавий тарзда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, сув ва атроф-муҳит бўйича шерикликни кучайтиришга қаратилган ташаббусларини, шунингдек, таълим ва гендер тенглиги йўналишидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси доирасида Словакия Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган Марказий

Осиёда ҳамкорликни мустақамлаш бўйича резолюцияни қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Словакиянинг ЕХТ доирасидаги савб-ҳаракатларини, жумладан, расмий Тошкент ташқи сиёсати устуворлиқларига мос келадиган мавзулар — транспарентлик, қонун устуворлиги ва маданиятлараро мулоқотга алоҳида эътибор қаратилган 2019 йилдаги раислигини юқори баҳолади.

Парламентлараро мулоқот ҳам изчил ривожланмоқда. 2023 йил апрель ойида Словакия Миллий кенгаши раиси Борис Коллар бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф давомида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасида учрашувлар ўтказилди.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ОЛТИН ВИЗА» ДАСТУРИ ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

10 — 12 июнь кунлари бўлиб ўтадиган IV Тошкент халқаро инвестиция форуми олдидан

Сўнгги пайтларда Ўзбекистон кенг жамоатчилиги ўртасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда хорижликларга, хусусан, чет эллик инвесторларнинг мамлакатимизда яшashi бўйича «Олтин виза» бериш тартибига киритилган ўзгаришлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ташаббус

Хўш, «Олтин виза» дастури нима ўзи, ушбу лойиҳа Ўзбекистон иқтисодиётига ва хорижликларга қандай наф келтиради? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида мазкур тизим билан боғлиқ тартиботлар ҳақидаги ҳужжатлар билан танишдик.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 18 апрель куни қабул қилинган «Ишлаб чиқариш,

экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида «Олтин виза» бериш ҳақида сўз боради.

Бу масала Фармоннинг 26-бандида ўз ифодасини топган. Ҳужжатга мувофиқ инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида шу йил

1 июндан бошлаб хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга 250 минг АҚШ долларлари ҳамда уларнинг ҳар бир оила аъзосига (турмуш ўртоғи, фарзанди ва ота-онаси) 150 минг АҚШ долларлари миқдоридидаги тўловлар эвазига Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга соддалаштирилган тартибда берилди.

«Олтин виза» дастури хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқий қафолатлар бериш, мамлакат сармоjavий муҳитини мустақамлашга қаратилган. Шунингдек, бу мамлакат очқлиги, капитални ҳимоя қилиш, барқарор халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Таъкидлаш керакки, сўнгги саккиз йилда халқаро майдондаги зиддиятларга қарама-масдан очиқ ва прагматик ташқи сиёсат юритиш Ўзбекистоннинг жаҳон аренасидаги «ташриф қоғози»га айланди. Мамлакатимиз, айниқса, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқий қафолатлар бериш, мамлакат сармоjavий муҳитини мустақамлашга қаратилган. Шунингдек, бу мамлакат очқлиги, капитални ҳимоя қилиш, барқарор халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Албатта, хорижий инвесторлар ишончини қозониш учун уларга зарур шароитлар, имконият ва имтиёзлар татбиқ этилиши керак. Бундай ёндашув нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё таърибасида мавжуд.

Ҳозирги кунда, айниқса, жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган глобал муаммолар фонида инвестиция учун кураш кескинлашмоқда. Инвестор турган гапки, ўзига қулай шароит яратилган ва хавфсиз сармоjavий муҳитга эга мамлакатни танлайди. Чунки у сарфлаётган маблағини ишончли қонуний ҳимоясини кўришни хоҳлайди.

Етти-саккиз йил аввал Ўзбекистонга инвестиция киритишга етакчи компаниялар иккинланган рост. Бу сармоjavдорларнинг манфаатдорлик ҳуқуқи етарлича таъминланмаганидан далолат беради. Бироқ 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳитни яратиш бўйича туб ислохотлар амалга оширилди.



Ўзбекистон — Болгария:

АНЪАНАВИЙ МУЛОҚОТ ВА СТРАТЕГИК ҚИЗИҚИШ ЯНГИ ЎСИШ БОСҚИЧИДА

Ўзбекистон ва Болгария ўртасидаги муносабатлар чуқур тарихий илдизларга бориб тақалади. Олимларнинг таъкидлашича, туркий халқларга мансуб бўлган болгарларнинг қадимий аجدодлари ва замонавий Ўзбекистон таркибига кирувчи ҳудудлар ўртасидаги алоқалар Буюк Ипақ йўли давридан бошланган. Миграция, савдо ва маданий ришталар билан уйғун бундай яқин боғлиқлик ўзаро манфаатдорлик ва ҳурмат асосига қурилди.

Ташриф олдидан

Икки давлат ўртасидаги замонавий дипломатик муносабатлар 1992 йил 25 сентябрда ўрнатилди. Ўшандан бери расмий Тошкент ва София ўртасида сиёсий мулоқот изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, сўнгги йилларда бу фаоллик янги динамика касб этиб, икки томонлама муносабатларга сифат жиҳатдан ўзгача тус берди.

Ўзбекистон ва Болгария ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик конструктив шериклик ҳамда ўзаро ёрдам руҳи-га асосланади. Сўнгги йилларда олий ва юқори даражадаги икки томонлама алоқалар фаоллашди. Бу Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган умумий йўналишининг кўзгусига айланди.

Етти-саккиз йил аввал Ўзбекистонга инвестиция киритишга етакчи компаниялар иккинланган рост. Бу сармоjavдорларнинг манфаатдорлик ҳуқуқи етарлича таъминланмаганидан далолат беради. Бироқ 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳитни яратиш бўйича туб ислохотлар амалга оширилди.

яратишга икки томоннинг интилишларини тасдиқлади.

Болгария БМТ ва ЕХТ доирасида Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шунингдек, Болгария томони «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислохотларни, жумладан, фуқаролик жамияти институтларини мустақамлаш ва оммавий ахборот воситалари соҳасини ривожлантиришни юқори баҳолайди.

Парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Болгария парламентида «Болгария — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи фаолият кўрсатяпти. Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарорига асосан Болгария Халқ мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ ташкил этилган.

Ушбу шериклик доирасида ўзаро ташрифлар алмашинуви амалга оширилмоқда, уларнинг динамикаси сўнгги йилларда янада фаоллашди. 2018 йил июль ойида Болгария Халқ мажлисидаги «Болгария — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раиси Адлен Шевкев бошчилигидаги делегация ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.



Ўзбекистон — Словакия: КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР АСОСИДАГИ ИЗЧИЛ ШЕРИКЛИК



Шу йил март ойида Олий Мажлисида Словакия Миллий кенгаши билан ҳамкорлик бўйича 13 нафар парламентарийдан иборат парламентларо гуруҳ тузилди. Словакия парламентида ҳам Ўзбекистон Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича ана шундай гуруҳ фаолият кўрсатмоқда.

Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги фаол мулоқот турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун мустақам замин яратяпти.

Икки давлат ТИВ раҳбарлари Тошкентда, шунингдек, йирик халқаро тадбирлар доирасида бир неча бор учрашув ўтказди. Томонлар мунтазам равишда Ташқи ишлар вазирликларидан соғий маслаҳатлашувларни ўтказиб, икки томонлама кун тартибидан ва халқаро ташкилотлар доирасидаги шерикликни мувофиқлаштириш масалаларини муҳокама қилади. Бундай маслаҳатлашувларнинг бешинчи раунди жорий йил 14 январда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ икки давлат ўртасидаги савдода энг қулай режим ўрнатилган. Ўзаро савдо ҳамжи кам бўлишига қарамай, ҳар икки давлат барқарор иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Хусусан, машинасозлик, фармацевтика, энергетика, телекоммуникациялар, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар ўзаро ҳамкорлик учун истиқболли йўналишлар сифатида кўрилмақда.

Иқтисодий шерикликни ривожлантириш истиқболлари Ўзбекистон делегациясининг 2023 йил август ойида Словакияга ташрифи давомида ҳам тасдиқланди. Ўзбекистон — Словакия бизнес форуми, шунингдек, Словакия Иқтисоди-

диёт вазирлиги давлат котиби Петер Швец, Словакия Инвестициялар ва савдонинг ривожлантириш агентлиги бош директори Роберт Шимончич, Савдо-саноат палатаси раиси Петер Михок ҳамда йирик словак компаниялари раҳбарлари ўртасидаги учрашувлар жуда самарали кечди ва улар икки давлат ишбилармон доираларининг яқинлашувига туртки бўлди.

Словакия компаниялари Ўзбекистонни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича МДХ мамлакатларига чиқиш имкониятига эга салоҳиятга эга деб билади. Ўз навбатида, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар бу мамлакатдан технологик ечимлар ва сармояларни жалб қилишдан манфаатдор.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Словакия капитали иштирокида олтига, шу жумладан, 100 фойз хорижий сармоя ҳисобига тўртта корхона фаолият юритмоқда. Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи механизм аввал Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Словакия ҳукуматларо комиссияси (ХК) эди. Бугунги кунга қадар ХКнинг учта йиғилиши ўтказилган.

Узоқ танаффусдан сўнг жорий йилнинг 5 май куни Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, Словакия ҳукумати раҳбари Роберт Фицо ва ушбу мамлакат ишбилармон доиралари делегацияси мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтадиган IV Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этади. Иқтисодиёт ва инвестициявий соҳалардаги алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган сиёсий ироданинг бундай ёрқин ифодаси ўз самарасини бериб, барқарор ва ўзаро манфаатли иқтисодий шерикликни

ўрнатишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, икки давлат ҳам транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Словакия Транскаспий йўналиши ва "Global Gateway" ташаббуси доирасида Ўзбекистон экспорти учун муҳим марказга айланиши мумкин.

Ўзбекистоннинг очиқлик сиёсати доирасида Словакия фуқаролари учун бизнес ва туристик мақсадда 2019 йилдан бошлаб 30 кунгача бўлган муддатга визасиз кириш тартиби амал қилляпти.

Сўнгги пайтларда миграция соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишларидан бирига айланди. Жумладан, жорий йилнинг 3 — 6 март кунлари Ўзбекистон Миграция агентлиги делегацияси ишчи ташрифи билан Словакияда бўлди. Ташриф доирасида ушбу мамлакат Ташвиқ вазирлигида учрашув ва Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва ишбилармон доиралар вакиллари иштирокида Ўзбекистон — Словакия форуми бўлиб ўтди. Делегация аъзолари рекрутнинг компаниялари билан ҳам учрашувлар ўтказди, унинг яқунлари бўйича Словакия Иш берувчилар федерацияси ва Кадрлар агентликлари ассоциацияси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

1997 йил ноябрь ойида имзоланган Ўзбекистон ва Словакия ўртасидаги маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосан маданият йўналишида делегациялар алмашилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ва Словакия делегатлари икки давлатда ташкил этилаётган халқаро маданий тадбирларда мунтазам қатнашапти.

2014/2015 ўқув йилидан бошлаб Словакия ҳукумати Ўзбекистонни ушбу мамлакат олий таълим муассасаларида таҳсил олиш учун стипендия олувчи давлатлар қаторига киритди. Ушбу дастурда қатнашар, ёш тадқиқотчилар, илмий-тадқиқот институтлари ходимлари иштирок этиши мумкин.

Икки мамлакатда уюштирилаётган кино кунлари ва концертлар маданиятларо мулоқотни янада яқинлаштириш ҳамда мустақамлашга хизмат қилляпти.

Юкори салоҳиятга эга Ўзбекистон — Словакия муносабатлари ижобий динамикани намоеён этиш ва ўзаро манфаатли замонавий давлатларо мулоқотнинг ёрқин намунаси бўлишга барча асос бор. Шу нуқтаи назардан, Словакия Бош вазири Роберт Фицонинг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи икки томонлама муносабатларни фаоллаштириш ва стратегик шериклик даражасига кўтаришга кучли туртки беради.

Ўзбекистон — Болгария: АНЪАНАВИЙ МУЛОҚОТ ВА СТРАТЕГИК ҚИЗИҚИШ ЯНГИ ЎСИШ БОСҚИЧИДА

2018 йилнинг ноябрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг "Ўзбекистон — Болгария" парламентларо гуруҳи делегацияси София шаҳрига ташриф буюриб, у ерда Халқ мажлиси раҳбарияти, Ташқи ишлар, Иқтисодиёт ва туризм вазирликлари вакиллари, Пловдив ва Каржали шаҳарлари мэрлари билан учрашувлар ўтказди.

2021 йил декабрь ойида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева София шаҳрида бўлиб ўтган "Демографик ўзгаришлар шароитида жамиятни ривожлантириш йўллари" мавзусидаги юкори даражадаги вазирлар конференциясида иштирок этди ва видеомурожаат йўллади.

Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари мунтазам алоқаларни давом эттирмоқда. Жумладан, вазирликларо маслаҳатлашувлар давомида улар нафақат икки томонлама муаммоларни, балки долзарб халқаро кун тартибидан, жумладан, иқлим, рақамли трансформация, дезинформацияга қарши курашиш ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилмоқда.

2023 йил 23 октябрь куни Люксембургда бўлиб ўтган "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" вазирларининг 19-учрашуви доирасида Ўзбекистон ТИВ раҳбари Бахтиёр Саидов Болгария Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Мария Габриэль билан учрашди.

Ўзбекистон ва Болгария ўртасидаги иқтисодий кооперация хозирча икки давлат салоҳиятига тўлиқ мос келадиган даражада эмас. Шу билан бирга, фармацевтика ва биотибобий, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, қайта тикланадиган энергия манбалари (жумладан, қуёш ва водород технологиялари), тўқимачилик ва кимё саноати каби соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштириш учун барча шарт-шароит мавжуд.

Томонлар 2019 йил сентябрь ойида София шаҳрида 5-мажлиси бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Болгария ҳукуматларо комиссияси фаолиятини фаоллаштириш ниятида.

Икки мамлакатнинг инвестициявий салоҳияти шериклик нуқтаи назаридан тобора жозибador бўлиб бормоқда. Бунага Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни фаол қўллаб-қувватлаш сабаб бўляпти.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Болгария инвесторлари иштирокидаги 30 та корхона ташкил этилган. Уларнинг 19 таси 100 фойз болгар капитали асосида ишлайди. Мазкур корхоналар нефтни қайта ишлаш, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариши, озиқ-овқат саноати, савдо



операциялари ва хизматлари каби асосий йўналишларда фаолият юритади.

Ҳар икки давлат транспорт-логистика соҳасидаги алоқаларни, айниқса, Ўзбекистонни Қора денгиз портлари билан Кавказ орқали боғлайдиган Транскаспий халқаро транспорт йўналиши контекстида ривожлантиришдан манфаатдор. Ривожланган инфратузилма ва логистика марказларига эга Болгария Марказий Осиё ҳамда ЕИ ўртасида транзит йўлаги ролини ўйнашга қодир.

Ўзбекистон — Болгария ҳамкорлиги гуманитар ва таълим соҳаларида ҳам фаол ривож топяпти. Хусусан, "Ўзбекистон — Болгария" дўстлик жамияти ва Болгария маданий маркази маданиятларо учрашувлар миқёсини кенгайтириш ҳаракатида.

Бухоро ва Варна, Самарқанд ва Пловдив шаҳарлари ўртасидаги яқин дўстлик алоқалари маданий ҳамжиҳатлик ва ишонч тимсолига айланган. Улар делегациялар алмашинуви, маданий лойиҳалар ва қўшма ташаббуслар орқали мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги мулоқотни мустақамлашга муносиб ҳисса қўшапти.

Сўнгги йилларда Тошкент ва Самарқандда болгар фильмлари намойиши, расомлар кўргазмалари ташкил этилди. Элчихоналар ва диаспора ташкилотлари тил ўрганиш курсларини очиб, мусиқий кечалар ва халқаро маданий меросига бағишланган давра суҳбатларини ўтказиш орқали икки давлат маданиятини кенг тарғиб қилаётди.

Таълим соҳасида Тошкент кимё-технология институти ва София кимё-технология университети, Тошкент давлат юридик университети ва София университети, Самарқанд давлат тиббиёт университети ва София тиббиёт университети ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

Шунингдек, Наманган давлат университети ва Варна техника университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Болгария Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурдаги Дипломатик институт ўртасида ҳамкорлик меморандумлари тузилди. Бу ўзаро ҳамкорлик гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва икки давлат ёшлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Болгария "Эразмус+" дастурларида иштирок этади. Ушбу дастурлар доирасида ўзбекистонлик талабалар Болгария университетларида, шунингдек, Болгария Фанлар академиясида малака ошириш ва амалиёт ўташи йўлга қўйилган.

Икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини туризм соҳасида ҳам кўриш мумкин. Ҳар икки давлат бой тарихий-маданий меросга, бетақор мейморий ёдгорликларга ва ранг-баранг табиий ландшафтга эга бўлиб, бу ўзаро сайёҳлик алмашинуви ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратяпти.

Мазкур омиллар Ўзбекистон ва Болгария ўзаро ишонч ҳамда бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилишга асосланган икки томонлама ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ очиб бериш ва рўёбга чиқариш ниятида эканини тасдиқлайди. Шу нуқтаи назардан, Болгария Президенти Румен Радевнинг Ўзбекистонга бўлажак ташрифи, шунингдек, IV Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиши ўзаро манфаатли шерикликни янада ривожлантиришга кучли суръат бағишлаш баробарида барча соҳада икки томонлама муносабатларни мустақамлашга замин яратяпти.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ОЛТИН ВИЗА» ДАСТУРИ ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Хусусий мулк эгалари, жумладан, инвесторлар ҳуқуқлари кафолатлари янгилади, улар Бош қомусимизда янада мустақамланди. Шунингдек, ўтган йилларда хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга оид давлатимиз раҳбарининг қатор қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари қабул қилинди.

Натижа ҳам узоқ куттиргани йўқ. Бугун юртимизнинг қайси гўшасига борманг, янги инвестициявий лойиҳалар ва қўшма корхоналарга дуч келасиз. Улар юртимиз рағнақи, аҳолимиз фаровонлигини таъминлашга, иш ўринлари яратишга ва ижтимоий объеклар қурилишига хизмат қилляпти.

Шу аснода мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган Тошкент халқаро инвестиция форуми жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотиб, анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, давлатимиз етакчиси ҳузурда Хорижий инвесторлар кенгаши тузилган.

Кенгашнинг асосий вазифалари муваффақиятли таъриба ва халқаро амалиётдан келиб чиқиб мамлакатимизни инвестициявий, савдо-технологик ва инновациявий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳат бериш ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ва хорижий инвесторлар ўртасида очиқ мулоқотни таъминлашдан иборат. 2022 йилда бўлиб ўтган биринчи сессияда ушбу ме-

ханизмнинг самарали фаолият юритиши учун пойдевор яратилган эди.

2024 йил май ойида бўлиб ўтган учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Хорижий инвесторлар кенгашининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда кенгаш аъзоларининг қўллаб-қувватлаши орқали Ўзбекистон жадал ўсиш суръатларини намойиш қилишда давом этиши, халқимиз турмуш даражасини ошириши ва юртимиз фаровон келажагини таъминлашга ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Президенти III Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқида хорижий сармоядорларни қўллаб-қувватлаб, куйдаги фикрларни билдирган эди. "Биз мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун катъий қадамлар ташладик. Айнан шу боис ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши учун кенг қўламли ислохотларни амалга оширяпмиз".

Маълумотларга кўра сўнгги етти йилда мамлакатимизга 100 млрд. доллардан зиёд хорижий инвестициялар келган. Давлат-хусусий шериклик бўйича қонун қабул қилиниб, мингдан зиёд лойиҳалар бошланган. 1 800 турдаги янги маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Хорижий инвесторга "Олтин виза" бериш

бўйича навбатдаги ташаббус ҳам юртимизга чет элдан сармояларни жалб этишни жадаллаштиришга кенг йўл очади. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган хорижий инвесторлар ҳам янги Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлар дастурини юкори баҳоламақда. Уларнинг таъкидлашича, давлатимиз раҳбарига инвестиция фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга катъий интилиши юксак эътирофга лойиқ.

"Президент Шавкат Мирзиёев ва ҳукумат аъзоларининг хорижий инвесторлар билан фаол мулоқоти муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашув мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ҳамда тараққиёти учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга аниқ ва ишончли ишора бўлди.

Ўртингиздаги замонавий шарт-шароитлар ва янги ташаббуслар Ўзбекистонни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни қабул қилишга тайёр давлат сифатида намоеён этди.

Шунингдек, давлатингиз раҳбари амалга оширган иқтисодий ислохотлар, хусусан, валюта бозорини либераллаштириш, банк сектори ва пул-кредит ислохотларини эркинлаштириш, давлат корхоналарини таркибий ўзгартриш ҳамда хусусийлаштириш ва бошқа қўллаб ишлар хорижий инвесторларга ишонч ва куч бағишламоқда.

Ўзбекистон Президенти билан учрашуви-

миз чоғида менинг Ўзбекистонга инвестиция қилишга бўйича режаларимни диққат билан тинглади ва тегишли одамларга барча зарур ёрдамни кўрсатиш бўйича аниқ ва тезкор топшириқлар берди. Натижада шакар ишлаб чиқаришга қарийб 400 млн. доллар инвестиция киритдик. Шунингдек, олтин ва мис қазиб олишга эса 20 млн. доллардан ортиқ дастлабки сармояни жалб қилдик", дейди Мисрнинг етакчи "Orascom Investment Holding" компанияси асосчиси Нагиб Савирис.

Мутахассислар фикрларига кўра халқаро амалиётда, жумладан, Европа мамлакатлари, АҚШ, БАА, Сингапур ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган бундай виза дастурлари мавжуд.

Жумладан, "Олтин виза" дастури Португалияда 250 — 500 минг евро, Грецияда 250 минг евро, Кипрда 300 минг евро, БААда 550 минг АҚШ доллари, АҚШда 5 млн. доллар, Испанияда 500 минг доллар, Сингапурда 7,7 млн. доллар, Венгрияда 250 минг доллар, Латвияда эса 60 минг доллар қилиб белгиланган.

Мазкур дастур юкорида қайд этилган давлатларда капитал, технологиялар ва ишбилармонлик фаоллигини жалб қилишнинг самарали воситаси сифатида ўзини оқлаган. "Олтин виза"ларнинг берилиши хорижий инвесторлар учун қулай ва олдидан башорат қилиш мумкин бўлган муҳитни яратяпти.

Ҳуқуқий кафолатларни таъминлайди ва инвестиция муҳитига бўлган ишонч мустақамлайди. Янгилик мамлакатнинг очиқлик, капиталини химоя қилиш ва барқарор халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга стратегик йўналтирилганини акс эттиради.

Баъзи мамлакатлар "Олтин виза"ларни тақлиф қилишди, баъзилари эса "Олтин паспорт" орқали ҳатто чет элликлар учун тўлиқ фуқароликни беради. Уларнинг мақсади мамлакатга капитал ва бой хорижий инвесторларни жалб қилишдан иборат.

Марказий Осиё давлатлари ҳам "Олтин виза" тартибларини жорий этмоқда. Хусусан, шу йил апрель ойида Қозоғистон инвестор визасини олишнинг янги қоидаларини амалга киритди. Визага Қозоғистон компаниялари устас капиталига ёки маҳаллий эмиссиявий қимматли қоғозларга камда 300 минг доллар сармоя киритганлар ариза топшира олади. Кейинчалик улар 10 йиллик яшаш гувоҳномасини олишлари мумкин.

"Олтин виза" дастури миллий иқтисодиётни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, давлат объектларини хусусийлаштириш жараёнларига, республиканинг ишчи кучи мавжуд бўлган ҳудудларида иш жойларини яратиш мақсадларига тўғридан-тўғри хорижий сармояларни кенг жалб этишга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ АЗИМ ЛАТИПОВ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси оғир жудаликка учради. Таникли фермер, "Азим Шофиркон юлдузи" фермер хўжалигининг раиси, жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Азим Шукрорович Латипов шу йил 6 июнда 74 ёшида вафот этди.



А. Латипов 1951 йил 5 июнда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилди. Ўрта мактабни, кейинчалик Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумини тугатган, меҳнат фаолиятини Шофиркон туманидаги "Бухоро" жамоа хўжалигида механик сифатида бошлади ва кўп йиллар давомида мазкур хўжалик бригадига бошлиғи лавозимида самарали иш олиб борди.

Ўзининг бутун онгли ҳаёти ва меҳнат фаолиятини мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган меҳнаткаш инсон 1996 йилдан бошлаб "Бухоро" жамоа хўжалиги раиси сифатида иш юритиб, ўзининг бой билим ва тажрибаси, ташкилотчилик ва жонқуярлик фазилатлари билан кўпчиликлари ибрат ва намуна бўлиб, мураккаб иқлим шароитида галла ҳосилдорлигини икки баробар оширишга эришди.

Ўртимизда фермерлик ҳаракатини шакллантиришда алоҳида жонбозлик кўрсатган А. Латипов 2007 йилда "Азим Шофиркон юлдузи" фермер хўжалигини ташкил этди ва умрининг охирига қадар уни муваффақиятли бошқариб, том маънода илғор ва замонавий, кўп тармоқли хўжаликка айлантирди. Заҳматкаш фермернинг саъй-ҳаракатлари, эзгу ташаббуслари билан бу ерда ўзига хос тажриба мактаби яратилиб, хўжалик қорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик ва поливчиллик йўналишларида ҳам самарали фаолият юритмоқда. Худудда кам таъминланган оилаларнинг уйлари таъмирланиб, уларга галла ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳомийлик асосида етказиб берилмоқда.

Азим Латипов ҳақиқий халқ оқсоқоли сифатида доимо эл-юртнинг дарду ташвишлари билан яшади. У узок йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати сифатида миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимиз учун зарур бўлган муҳим қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, худудда кенг қўлмали ободончилик ишларини олиб боришга, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга катта ҳисса қўшди.

А. Латиповнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. У "Шухрат" медалига ҳамда Ватанимизнинг олий нишонини — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан мукофотланган эди.

Атоқли фермер, таникли жамоат арбоби, камтарин ва олийжаноб инсон Азим Латиповнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБЕКОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, И. АБДУРАҲМОНОВ, Б. ЗАРИПОВ

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА АСОСИЙ КУЧ

Ҳар бир давлатнинг олий мақсадларидан бири — иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини юксалтириш саналади. Дарҳақиқат, иқтисодий ўсиш иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартириш, жамиятни ҳар томонлама ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир. Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун жуда кўп омиллар инobatга олиниши лозим. Лекин уларнинг энг асосийси — таълим, аҳолининг билим даражаси.

Фикр

Бинобарин, бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик айнан ёшлар таълим-тарбиясига қаратилиши юртимиз эртасининг ёрқин бўлишига замин яратилаётганидан далолатдир. Ўзбекистон халқининг 60 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат, аҳоли сони йилга ўртача 700 минг нафарга ўсаётган уникал давлат эканлиги инobatга олинса, таълим биз учун ҳаёт-мамонт масаласи ҳисобланади.

Тадқиқотларга кўра таълим соҳасига ажратилган маблағларнинг 1 фоизга кўпайиши ЯИМ миқдорини 0,35 фоизга оширади. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизда таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш учун Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга оширилиб борилаётир.

2024 йилда ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 152 347,6 млрд сўм ёки умумий харажатларнинг 49 фоизи миқдориди маблағ сарфланган. Хусусан, ўтган йил-

да ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми (46,8 фоизи) таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантиришга, яъни 71,2 трлн. сўм ёки 2023 йилдагига нисбатан 10,0 трлн. сўм кўп маблағ ажратилган. Соҳада амалга оширилган харажатларнинг 67,4 фоизи умумий таълимга, 20 фоизи мактабгача таълимга ва 12,6 фоизи кадрлар тайёрлашга йўналтирилган.

Мактабгача таълим ташкилотлари сони 2022 йилда 29 257 тани, умумтаълим мактаблари сони 10 110 тани ташкил этган бўлса, олиб борилаётган ислохотлар натижасида бу кўрсаткич 2024 йил якунига келиб тегишлича 38 058 тага ва 10 471 тага етган.

Охириги етти йилда боғчаларда 1,5 млн. ўрин яратилиб, қамров даражаси 27 фоиздан 77 фоизга кўтарилган. Олти ёшли болаларни мактабга тайёрлов тизими билан қамраб

олиш даражаси 96 фоизга етказилган. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бир ўқувчига тўғри келадиган ўртача харажат миқдори 2022 йилда 4,4 млн. сўмни, 2023 йилда 4,9 млн. сўмни (ўсиш 111 фоиз) ҳамда 2024 йилда 5,7 млн. сўмни (ўсиш 116 фоиз) ташкил қилган.

Қайд этиш жоизки, ўзбекистонлик ёшларнинг нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида таълим олиши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2024 йилда 411 нафар иқтидорли ёш "Эл-юрт умиди" жамғармасининг стипендианти деб эътироф этилиб, АҚШ, Буюк Британия, Германия ва бошқа ривожланган давлатларда бакалаврият, магистратура ва докторантура босқичларида таълим олиш имкониятига эга бўлди. Жамғарма стипендиантларининг хориждаги нуфузли ўқув муассасаларида таълим олиши ва стажировкадан ўтиши учун ўтган

йили Давлат бюджетидан 379,4 млрд. сўм йўналтирилган. Миллий тикланишдан — миллий юксалишга эришишнинг ягона йўли, ислохотларнинг тақдирини, натижаси, энг аввало, кадрлар савиясига, уларнинг давр ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб бера олишига боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам таълимнинг барча босқичи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Зеро, таълимга киритилган сармоя келажак учун йўналтирилган сармоядир. Бунга жавобан ёшларимиз ҳаётда ўз ўрнини топиши учун астойдил ўқиб-ўрганиши ва албатта, сидқидилдан меҳнат қилишлари керак. Зотан, Ватанимизнинг истиқбол ва эртаси ҳар жиҳатдан етук, салоҳиятли, фидойи, ташаббускор, мустаҳкам фуқаролик позициясига эга ёшларимиз қўлида.

Нодир ТИЛВОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«ИНСОНПАРВАРЛИК СИЁСАТИ ТУФАЙЛИ СОҒЛИГИМИНИ ТИКЛАДИМ»

Янги Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш ва кучли ижтимоий ҳимоянинг муқаммал тизимини яратиш ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишига айланган. Бу йўлда ҳар бир инсоннинг фаровонлиги, жамиятда ўз ўрнини топиши ва келажакка ишонч билан қарashi учун барча имконият ишга солинмоқда.

оила мавжуд. Уларга ўз вақтида кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар натижасида аҳолининг давлатга бўлган ишончи кундан-кунга ортиб бормоқда. Саломатлиги тикланган С. Мирзаева ҳам бундай самимий ёрдамдан миннатдор.



Мурувват

Бу жараёнда "Инсон қадрини устун", "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" каби эзгу тамойилларга асосланган ислохотлар, "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари", маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш каби янги тизимлар орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг муаммолари жойида ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича тезкор ечимлар топилимоқда.

"Инсон қадрини устун" деган эзгу сиёсат уни яна ҳаётга қайтарди.

— Уйма-уй хатлов ўтказиб жараёнда фуқаро Салима Мирзаеванинг оилавий шароити ўрганилганда, унинг соғлигида жиддий муаммо борлиги аниқланди, — дейди "Халқабод" МФЙ ижтимоий ходими Нигора Жумаева. — У ҳақдаги маълумотларни зудлик билан жамлаб, мутасаддиларга тақдим этдик. Қисқа вақтда "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағи эвазига бемор жарроҳлик амалиётини ўтказиб, яна оиласи бағрига қайтди.

Дарҳақиқат, маҳаллабай ишлаш тизими туфайли ҳар бир оиланинг дардини ештиши, муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва уларга ечим топиш имконияти яратилди. Бугунги кунда маҳаллада 105 нафар ногиронлиги бор фуқаро, 70 та кам таъминланган ва 83 та ижтимоий реестрда турадиган нафақа олувчи

— Кутилмаган дард нафақат менинг, балки оиламиз аъзоларининг ҳам ҳаловатини ўғирлаганди, — дейди Салима Мирзаева. — Фарзандларим таълим-тарбияси билан шуғулланолмасдим. Эндиликда буларнинг барчаси ортда қолди. Инсонпарварлик ёрдами орқали ҳаётга, болаларим бағрига қайтдим.

Салима Мирзаевага кўрсатилган кўмак шу билан чекланиб қолмади. Унга 1-гурух ногиронлиги расмийлаштирилди, болалар нафақаси тайинланди. Бундан ташқари, икки нафар фарзанди бепул тўғаракларга жалб этилди. Бу хайрли иш нафақат бир инсонни, балки бутун оиланинг ҳаётида янги саҳифа очишга хизмат қилди, десак, айна ҳақиқат.

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

ҚАШҚАДАРЁ ТОМОНЛАРДА

АҚШ элчиси Қамашидеги зиёратгоҳга борди

Қамаш туманининг Лангар қишлоғида жойлашган "Лангар ота" масжиди беш асрлик тарихга эга бўлиб, мамлакатимиздаги асл ҳолида сақланиб қолган ва бугун ҳам фаолият юритаётган энг қадимий жоме масжидлардан бири ҳисобланади.

Шубу масжид 2 та хонақоҳ, 1 айвон, 4 меҳроб, 19 та устун ва 7 эшикдан иборат, унинг баландлиги 11, бўйи ва эни эса 32 метрни ташкил этади. Қурилиш услубидан тортиб, ишлатилган ашёларига қадар сиру синаотга бурканган.

Ўтган йили "Лангар ота" масжидида Америка Қўшма Штатларининг Маданий меросини асраб-авайлаш бўйича элчи жамғармаси молиявий кўмаги билан Чикаго университети экспертлар гуруҳи ҳамкорлигида реставрация ишлари олиб борилган.

АҚШнинг мамлакатимиздаги элчиси Жонатан Ҳеник мазкур масжидда бўлиб, бу ерда амалга оширилган таъмирлаш ишларини кўздан кечирди.

— Биз Ўзбекистоннинг аҳолиёб ва бетакрор маданий меросини асраб-авайлашга ўз ҳиссамизни қўиш имкониятига эга бўлганимиздан мамнунмиз, — деди элчи Жонатан Ҳеник.

Мулоқотда реставрация жараёнида иштирок этган олимлар, мутахассислар ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.

«Инклюзив иш берувчи» мукофоти ўз эгаларини топди

Президентимизнинг шу йил 8 майдаги Фармонида ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаган ҳамда уларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашган тadbиркорлик субъектлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан «Инклюзив иш берувчи» мукофоти билан тақдирланиши белгиланган эди.

Шунга асосан ўтказилган танловда мамлакатимиздаги 44 та тadbиркорлик субъекти «Инклюзив иш берувчи» мукофотини қўлга киритди. Улар орасида Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган "Sulton tex group" МЧЖ, "Sulton styles" УК ва "Той бола" МЧЖ ҳам бор.

Ушбу корхоналар раҳбарияти ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаган ҳамда уларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашган ташкилот сифатида эътироф этилди.

Фузорда боғчага қамров бир йилда 8,2 фоизга ортди

Фузор туманининг Пахтазор маҳалласида янги давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тadbирда туман ҳокимлиги масъуллари, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



4,6 миллиард сўм эвазига барпо қилинган мазкур боғча 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда болажонларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши учун барча шарт-шароит яратилган. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўтган йилнинг июнь ойида тумандаги боғчалар сони 235 тани, мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг боғчага қамрови эса 66,2 фоизни ташкил этган эди. Орадан ропла-роса бир йил ўтиб худуддаги мактабгача таълим муассасалари сони 250 тага, қамров эса 74,4 фоизга етди.

Жаҳонир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

ШАХСИЙ НАМУНАДА ҲИКМАТ КЎП

Нурафшон шахрининг Бобур номидаги маҳаллада ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаётган Хусниддин Тиллахўжаев маҳалладош ёшларни илм орқали деҳқончилик билан шуғулланишга ундамоқда. Ёшларни ўз тажрибаси, томорқаси ва иссиқхоналари билан таништиради, маҳсулот етиштиришнинг харажат ва даромадини бирма-бир тушунтиради.

Тажриба

Натижа ҳам ўзини куттираётгани йўқ. Ҳозирда маҳалладаги 5 та хонадон соҳиби 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит асосида иссиқхона қуриб даромад топтомоқда.

Хўш, Хусниддин Тиллахўжаевнинг ўз томорқасидаги фаолияти қай даражада? Бу ерда бошқаларга ўрнат қилиб кўрсатгулик ва тажриба алмашишга арзиғулик қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шу орқали маҳалладаги иссиқхона эгалари фаолиятига кўзгу тутиш мумкин.

Хусниддин Тиллахўжаев Ўрта Чирчиқ туманидаги Мингтепа маҳалласининг Ҳақиқат йўли кўчасидаги 99-ўйда истиқомат қилади. Собиқ Тўйтепа металл қурилмалари заводининг шундоқ биқинидаги бу ҳовли жуда кўпчиликка шифокор Зайниддин Гуломов хонадон сифатида яхши таниш. Бундан 33 йил муқаддам Зайниддин ака томорқасида 4 сотихли иссиқхона барпо этиб, бўш вақтида турли маҳсулотлар етиштирган бўлса, болалигидан меҳнатда суяги қотган Хусниддин бугунги кунда бу ерда 4 сотихлик 3 та, 6 сотихлик 2 та, жами 24 сотих ерда жойлашган 5 та иссиқхонада помидор етиштириб келмоқда. Шу кунларда кўчатлар шигил ҳосилга кирган. Ҳар тонг соат тўртларда Хус-

ниддин иссиқхонадаги ишларни саранжомлаб, сўнг ишга отланади. Бу вақтда унинг онаси, Нурафшон шахридаги 10-умумий ўрта таълим мактабига ёшларга инглиз тилидан сабоқ берган Хадича ая пенсияда бўлишига қарамай, тиниб-тинчимайди. Маҳалладаги хотин-қизларни ёрдамга чақириб, пишган помидорларни махсус қутиларга териб мижозларга жўнатишга тайёрлаб қўйишади.

— Шу йил январь ойида Нидерландиядан келтирилган

кўра иссиқхоналардаги помидор ҳосили июль ойининг охиригача сотилади. Сўнгра ер энгил ҳайдалиб, бодринг экилади.

— Бодрингнинг ҳам серҳосил навларидан тайёр кўчат ҳолида олиб экамиз, — дейди ҳоким ёрдамчиси. — Ҳосил етилгач бир кунда ўртача 300 — 400 килограммдан терим бошланади. Бодринг ҳосили то октябрь



қўйилган. Бир-икки ойда бир, бир ярим тонна биоғумус ҳам шу ернинг ўзига тайёр бўлади.

— Ҳоким ёрдамчиси бўлиб фаолият юритаётган Бобур номидаги маҳаллада ҳам аҳоли томорқаси анча кенг, маҳалланинг ўртасидаги зовурдан қишин-ёзин сув оқиб ўтса, бошқа томонда Хонариқ суви бор. Иссиқхона қилишга қизиққан маҳалла ёшлари тез-тез уйимизга олиб келаман, кўчат экиш жараёнидан бошлаб, ҳосил етилгунга қадар бўлган даврни кўрсатиб, кетаётган харажату пировард даромаднинг ҳисоблаб бераман. Бугунги кунда бу маҳалладаги 5 та хонадонда имтиёзли кредит ҳисобига иссиқхона қурилди. Икки йилдирки, улар ҳам помидор ва бодринг кўчатларини етиштириб, мўмайгина даромадга эга бўлмоқда, кўни-кўшини ҳам то-

морқачиликка қизиқтирмоқда. "Томорка — даромад манбаи" деган ибора йнгилишларда айтиладиган баландпарвоз гап эмас, айна ҳақиқатнинг ўзи. Мана, бизнинг оиламиз, асосан, бўш вақтида иссиқхонада амалга ошираётган ишларни кўриб турибсиз. Шода-шода мевани кўргангизнинг ўзидаёқ барча чарчоғингиз қиқиб кетади. Чўп сўксанг кўқарадиган, қарчи тилгога тенг заманимизда ишламасликнинг ўзи ҳам айб, назаримда, дейди Х. Тиллахўжаев.

Дарҳақиқат, томорқасидан нафақат унумли фойдаланаётган, балки ёшларга намуна бўлиб маҳалладаги ишларини ҳам юритаётган фидойи ёшларнинг борлиги жамият учун катта бир бойлик, аслида.

Отабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи»).

Иссиқхона қилишга қизиққан маҳалла ёшларини тез-тез уйимизга олиб келаман, кўчат экиш жараёнидан бошлаб, ҳосил етилгунга қадар бўлган даврни кўрсатиб, кетаётган харажату пировард даромаднинг ҳисоблаб бераман.

3 минг туп помидор кўчатини эккан эдик, — дейди Хусниддин Тиллахўжаев. — Март ойида яна 3 минг тупни ерга қададик. Дастлабки ҳосилни май ойининг бошида бозорга етказиб берган бўлсак, ҳозир ҳам ҳосил пешмапеш териб олинмоқда. Ўтган бир ойда 30 тоннанинг нари-берисида маҳсулот сотилди. Хусниддиннинг ҳисоб-китоби-

ойининг охиригача сотилса, сўнг ер биоғумус билан яна тайёрланиб, январь ойида помидор экиш учун ҳозирланади. Дарвоқе, биоғумус ҳақида. Илмининг кўзини билиб, уни пухта бажарувчи деҳқон сопини доим ўзидан чиқариш ҳаракатида бўлади. Биз ҳикоя қилаётган ҳовлининг бир четиди маҳаллий ўғитга Калифорния чувалчангидан қўшиб

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ АҚШ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Америка Қўшма Штатларининг етакчи оммавий ахборот воситаларида футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг мuddатидан аввал жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани кенг ёритилмоқда.

Дунё нигоҳи



Хусусан, "The New York Times" газетасида "Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз тарихида илк бор жаҳон чемпионатига йўлланма олди" сарлавҳали мақола чоп этилди.

Нашрда футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси пайшанба кuni БАА билан 0:0 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этиб, тўғридан-тўғри жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритгани таъкидланган. "Бу натижа Ўзбекистонни "А" гуруҳида 2-ўринда мустақиллаштиришга ёрдам берди. Ушундан бери миллий терма жамоа барқарор ўсиш ва интилувчанликни намоян этди, айниқса, 2011 йилги Осиё кубоги ярим финалига қадар етиб борди. Бу турнирдаги энг яхши натижасидир", дейилган мақолада.

Таъкидланганидек, жаҳон чемпионати йўлланмаси қўлга киритилгани ҳақидаги хушхабар Ўзбекистонда катта хурсандчилик билан қутиб олинди. "Мухлислар Тошкент ва бошқа шаҳарлар кўчаларига мамлакат байроқларини кўтариб, жўр бўлиб Давлат мадрийсини куйлашди. Ушбу оламшумул ютуқ бутун мамлакатни бирлаштирди", дея урғуланган "World Soccer Talk" мақоласида.

АҚШнинг "FoxSports" электрон нашрида эса "Биринчи жаҳон чемпионати. Ўзбекистон 2026 йилги турнирда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди" сарлавҳали мақола ўз ўқувчилари эътиборига тақдим қилинди.

Унда Ўзбекистон ўз тарихида илк бор келаси йили Шимолӣ Америкада бўлиб ўта-

жаҳон чемпионатида тарихда биринчи марта 48 та жамоа иштирок этади.

"World Soccer Talk" нашрида ҳам Марказий Осиё минтақаси учун улкан ютуқ — Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз тарихида илк бор 2026 йилда АҚШ, Мексика ва Канадада бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига йўлланма олгани ҳақида ёзилади.

"Ўзбекистон футбол тарихи 1991 йилдан, яъни мамлакат мустақилликка эришганидан бошланди. Ушундан бери миллий терма жамоа барқарор ўсиш ва интилувчанликни намоян этди, айниқса, 2011 йилги Осиё кубоги ярим финалига қадар етиб борди. Бу турнирдаги энг яхши натижасидир", дейилган мақолада.

Таъкидланганидек, жаҳон чемпионати йўлланмаси қўлга киритилгани ҳақидаги хушхабар Ўзбекистонда катта хурсандчилик билан қутиб олинди. "Мухлислар Тошкент ва бошқа шаҳарлар кўчаларига мамлакат байроқларини кўтариб, жўр бўлиб Давлат мадрийсини куйлашди. Ушбу оламшумул ютуқ бутун мамлакатни бирлаштирди", дея урғуланган "World Soccer Talk" мақоласида.

АҚШнинг "FoxSports" электрон нашрида эса "Биринчи жаҳон чемпионати. Ўзбекистон 2026 йилги турнирда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди" сарлавҳали мақола ўз ўқувчилари эътиборига тақдим қилинди.

Унда Ўзбекистон ўз тарихида илк бор келаси йили Шимолӣ Америкада бўлиб ўта-

диган 48 жамоа иштирокидаги жаҳон чемпионатига йўлланма олгани хабар берилган.

"Пайшанба кuni Бирлашган Араб Амирликлари билан дуранг ўйнаган Ўзбекистон иккинчи бўлимда дарвозабон Ўткир Юсуповнинг учта муҳим сейвни амалга оширган ажойиб ўйини эъзизга керакли очкони қўлга киритди", деб ёзди муаллиф.

"The Times of Central Asia" томонидан мазкур мавзуга бағишлаб чоп этилган мақолада таъкидланганича, мамлакат илк бор жаҳон чемпионати финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Яқиний босқич осон бўлмади. Ўзбекистонликлар БААда ўйин бошланишидан олдин турли тўсиқларга дуч келди. Лекин шу кuni Ўзбекистоннинг узоқ кутилган йўлланмасини қўлга киритишига ҳеч нарса тўсиқлик қилолмади.

Материалда Ўзбекистон ушбу саралаш босқичидаги 9 учрашувда бор-йўғи битта мағлубият аламини тотиб қўганига эътибор қаратилган. "Мамлакатнинг ярми БАА билан ўйинни кўриш учун ухламади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев эса ўйиндан сўнг жамоа вакиллари билан телефон орқали мулоқот қилди ва уларни тарихий ғалаба билан қутлади", дейилади материалда.

"Ҳеч шубҳасиз, миллий спортнинг соғинамасига олтин харфлар билан битиладиган бундай ёрқин натижа юртимиздаги миллионлаб футбол мухлислари, бутун халқимизнинг неча йиллик орсуси эди, десак, тўғри бўлади", дея давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон терма жамоаси футболчиларига йўллаган табригидан иқтибос келтирилган материалда. Ва мақола "Эҳтимол, бу — бошланиши. Ўзбекистоннинг жаҳон чемпионатига иштироки яна ҳам кўпроқ ўзбек ёшларини футбол билан шуғулланишга ундаши муқаррар. Айни пайтда мамлакат байрам қилмоқда. Келгуси йилнинг умидбахш ғалабалари хали олдинда", деган сўзлар билан якунланган.

Бундан ташқари, АҚШдаги оммабоп "Yahoo Sports" ва "theScore" нашрларида ҳам Ўзбекистон миллий терма жамоасининг мазкур тарихий ғалабаси ҳақида ёзилди.

«Дунё» АА. Вашингтон

ИПАК МАТОЛАР ЖИЛОСИ ВА ЗИРАВОРЛАР ИФОРИ

Кўхна Бухоронинг тарихий қисми бугун яна байрам оғушида. Турнақатор тизилган расталар, миллий куй-қўшиқларнинг сеҳрли оҳанги, атласу адрасга бурканган савдо расталари, хушбўй зираворларнинг ҳиди сайёҳлару шаҳар меҳмонларини ўзига оҳанрабодек тортяпти. Гап шундаки, қадимий шаҳарда "Ипак ва зираворлар" фестивали бўлиб ўтмоқда.

Фестиваль

— Бухорога саёҳатимиз айнан шу тантанга тўғри келганидан жуда хурсанд бўлдик, — дейди италиялик сайёҳ Костанса Бомбардо. — Фестиваль доирасидаги тадбирларни томоша қилиб катта таассурот олдик. Шаҳар ниҳоятда бетакрор, одамлари эса меҳмондўст экан. Бухорога яна келиш ниятидамыз.

Вилоят ҳокимлиги ва бошқа бир қатор манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган XXI аънавий халқаро фестивални бу гал дунёнинг 70 га яқин давлатларидан келган сайёҳлар томоша қилмоқда. Туркия, Эрон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон каби мамлакатлардан хунармандлар ҳам ташриф буюриб ўз кўргазмаларини намойиш этмоқда. Улар орасида туркменистонлик Елена Котова ҳам бор.

— Қўл меҳнати асосида оилавий ишлаб, рўзгорбоп турли буюмлар тайёрлаймиз, — дейди у. — Кўргазма баҳонасида синчиклаб кузатдим: маҳаллий хунармандлар ва биз тайёрлаган сўзана нарлар дизайни ҳар хил. Аммо тилиш услубида, техникасида ўхшашлик бор. Биз ҳар икки йилда ўтадиган бу тадбирга бажонидил келяпмиз. Янгидан-янги гоюлар билан қайтганмиз. Билансизми, "Ипак ва зираворлар" фестивали ўтаётган Бухорода руҳинг алланечук енгил тортади. — Биз Олмаота шаҳридаги

олий ўқув юртида туризм йўналишида сабоқ оляпмиз, — дейди яна бир суҳбатдошимиз Асея Актайлакова. — Бу ерга амалиёт ўташ учун келдик. Фестиваль тадбирларидан кўнгилларимиз завқу шавққа тўляпти. Шубҳасиз, Бухоро жуда катта туристик салоҳиятга эга. Шаҳсан менга туризм соҳасининг бўлғуси мутахассиси сифатида бухороликларнинг меҳмондўстлиги, улар кўрсатаётган хизмат ёқди.

Дар ҳақиқат, "Ипак ва зираворлар" фестивали маданият ва санъат йўналишларидаги аънаваларни қайта тиклашга хизмат қилапти. У аҳоли ва сайёҳларнинг маданий хордик чиқаришида алоҳида ўрин тутмоқда. Муҳими, халқ амалий санъатини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишда ўзига хос туртки ва зифасини ўтапти.

— Ўн икки йилдики, ипак ва пахта матосидан ранг-баранг либослар тикаман, — дейди яқин танилган тадбиркор Нафиса Холова. — Бу фестивал касб маҳоратимизни оширишда, билмаганларимизни ўрганишда қўл келяпти. Экологик тоза, табиий маҳсулотлардан тайёрланган кийим-кечақлар ҳеч қачон қадрини йўқотмайди. Уларга ҳаминша талаб бор. Шу боис ҳам



маросимида сўз олганлар барча-барчага байрамонга кайфият тилаб, халқаро фестивалнинг аҳамияти ҳақида тўхтади. Тадбир дастуридан фольклор жамоаларининг чиқишлари, халқ амалий санъати турлари бўйича маҳорат дарслари, ипак ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари, зираворлар савдоси кўргазмалари, миллий спорт ўйинлари, маҳаллий ва хорижий дизайнерлар иштирокида "Silk&Spices Fashion days" махсус модалар намоиши, "палов сайли", тасвирий ва амалий санъат миллий галереяси, суратқашлар кўргазмалари каби тадбирлар ўрин олган. Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросими бугун оқшом чоғи бўлиб ўтади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ХИЗМАТЛАР ТУРИ ОРТМОҚДА



Фурқат туманининг "Чирқай" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси учун жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатувчи "Маҳалла сервис компанияси" иш бошлади. Шу тариқа аънавий ҳамда замонавий хизматлар кўрсатиш фаолияти ташкил қилинди.

Қулайлик

Маҳалла раиси Зоҳиржон Каримовнинг қайд этишича, шу кунгача чилангарлик, сантехника хизматларига қўп эҳтиёж сезилган, техника ва мутахассис керак бўладиган томорқанин оддий юмушлари учун ҳам қўнлаб нават кутилган. Эндиликда ана шу каби зарур мутахассислар хизматидан тез ва сифатли фойдаланиш учун барча шароит мавжуд. — Замонавий мезонлар асосида фаолият

олиб боришимиз учун бино қурилиши ишлари 350 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди "Маҳалла сервис компанияси" раҳбари Жамол Қосимов. — Хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 70 миллион сўмлик асбоб-ускуналар олиб келинди. Натижада маҳалладаги ички кўчалар ҳамда аҳоли жонадорларига 31 турдаги хизмат кўрсатишга киришилди. Ва асосийси, 5 та доимий ҳамда 5 та мавсумий иш ўрни яратилди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

ХУДУДЛАР ЧЕГАРАСИДАГИ ЙУЛЛАР:

Жиззахдан Фориш орқали Нуротага йўл олган киши халқимизнинг йўл азоби ҳақида айтган нақлини тўлақонли ҳис этиши турган гап. Айниқса, Боғдон шаҳарчасидан ўтган, бир пайтлар Нурота тумани таркибида бўлган Ухум қишлоғига етгунча қарийб 25 километр йўл ҳайдовчининг ҳам, йўловчининг ҳам она сутини оғзидан келтиради.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

— Эсимни танибманки, бу йўлнинг аҳоли шу, — дейди "Исузу" юк автомобиласининг ҳайдовчиси, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида истиқомат қилувчи Бахшилло Носиров. — Ўттиз йилдан буён рудаман, бормаган манзилим қолмаган ҳисоб. Лекин бундай нобой йўлни учратган эмасман. Тўғри, авваллари камроқ ўтардик, ҳозир ҳафтагича камиде бир марта Тошкентга шу йўлдан ошиб олиб ўтамиз. Қатнов оз, қулайлиги учун шу йўлни танлаймиз. Секинроқ юрамыз, лекин ярим метрдан ошиқ чуқурлар, техникагаям, ҳайдовчигаям жабр-да. Холисона айтсак, ушбу йўл ҳар йили таъмирланади, йўлсозлар тили

билан айтганда, фақат "ямочний ремонт"дан чиқарилиб, ўйдим-чуқурлар асфальт қоришмаси билан тўлдирилади. Бир куз-қиш мавсуми ўтар-ўтмас, аҳоли яна шу, аввалгисидан кўп бўлса кўпки, асло кам эмас.

— Ҳар қандай йўл анчагина мураккаб муҳандислик иншооти, — дейди соҳа фахрийси Суюн Қулмонов. — Унинг пойдевори йўл конструкцисининг асосий элементи ҳисобланиб, асфальт қопламаларини транспорт қатновида юқлар таъсирида деформациядан сақлайди. Бундан ташқари, уни об-ҳаво ва иқлим шароити ҳамда тупроқ-гидрологик омиллар таъсиридан ҳам ҳимоя

қилади. Бошқачароқ айтсак, аввал-бошданок йўлнинг обирави тўғри олиниши, асфальтда сув тўпланмаслиги чоралари кўрилиши керак. Тўғри, вақт ўтиши билан йўл қатламларида деформациялар юзага келади. Бу ўз-ўзидан йўл юзасининг вайрон бўлишига ва йўлда ёриқлар, чуқурликлар ва бошқа турли нуқсонларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай шароитда йўлнинг ўша қисми тўлиқ капитал таъмирланиши зарур.

Бундай эҳтиёжга муҳтож транспорт-коммуникация тармоқларидан яна бири Навоий вилоятини Нурота орқали Самарқанд вилояти билан боғловчи автомобиль йўлидир. Ушбу йўл Нурота шаҳри ва туманнинг Оқтоғ этакларидаги ўнлаб қишлоқларни Қўшработ, Иштихон, Оқдарё, Пайариқ туманлари ва Самарқанд шаҳри билан боғлайди. Самарқанд тарафдан келган борки, Жўш қишлоғидан ўтиб то Навоий вилояти ҳудудига киргунча йўл азобини тортади. Очиги, бундай яроқсиз йўлларнинг ҳолатини сўз билан ифодалаш

мушкул. Ҳатто фототасвирлар ҳам аянчи манзарани тўлиқ очиб беролмайди.

— Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Навоий вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари асосида Самарқанд — Нурота йўналишидаги "4Р55" Митан к. — Қўшработ к. — Нурота ш. автомобиль йўлининг 0 — 120 км. оралиқлари тўлиқ таъмирланади, — дейди Навоий вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи Алишер Халимов. — Навбахор туманида "4Р48" Зарафшон трактининг Ялтиработ ва Қалқонота аҳоли пунктлари ҳудудидан ўтувчи 159 — 177 км., 180 — 184 км. оралиқларидаги йўлларни таъмирлаш ҳамда пиёдалар йўлагини қуриш, йўл инфратизимини яратиш амалга оширилади.

Вилоятларни боғловчи таъмир-талаб йўллардан яна бири — Қизилтепа — Когон (4Р-65) автомобиль бўлиб, у бор-йўғи 11 километрни ташкил этади. Унинг яроқсизлиги узоқ йиллардан буён аҳолини қийнаб, ижтимоий тармоқларда фуқа-

роларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

"Ушбу йўлнинг 11 км. қисми Вазирил Маҳкамасининг 2022 йил 29 апрелдаги 9-сонли йиғилиш баёнига асосан босқичма-босқич (йилдан-йилга ўтувчи объект сифатида) тўла таъмирланиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун республика бюджети маблағлари ҳисобидан 69,6 млрд. сўм ажратилиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтда 30,2 млрд. сўм маблағ йўналтирилган ва таъмирлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда", дейилади шундай чиқишларнинг бирига билдирилган расмий муносабатда.

Биз юқорида тилга олган икки йўналиш зиярат туризмнинг икки бетакрор манзили — Нуротада Чашма, Бухорода Баҳоуддин Нақшбандий меъморий мажмуаларига элтади. Ушбу йўлларнинг таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилиши, зарур инфратузилмани яратиш улар жозибадорлигини янада ошириши тайин. Натижада шу йўллар атрофида хизмат

кўрсатиш нуқталари очилиб, янги иш ўринлари яратилади. Шундай мулоҳазаларни Хатирчи — Мирбозор масканлари оралиғидаги йўл хусусида ҳам билдириш мумкин. Боиси ушбу йўл туман маркази орқали ўтиб, Хатирчининг Ангидон, Сангижума ва Лангар каби сўлим масканларини ҳудудлар билан боғлайди.

Айтмоқчи бўлганимиз, ҳудудлар чегараолди йўлларига ўғай шўх билан қараш каби нохуш тенденцияга барҳам бериш фурсати етганлигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Бугунги кун воқелигида йўлларнинг аҳамияти чунонам ошгани, у ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг умумий ривожига, аҳоли фаровонлиги кўзгуси, ҳудуд инвестициявий жозибадорлиги гарови ҳамдир.

Халқимизда "Олис йўл отни, оғир йўл сабру қаноатни синайди", деган гап бор. Ҳўш, тегишли вилоятлар автомобиль йўллари ҳудудий бошқармалари раҳбарлари аҳолининг сабрини яна қачонгача синаб кўрмоқчи?

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Жорий йил 9 июндан «Talabalar kibersport o'yinlari – 2025» республика чемпионати бошланади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишидан нарҳда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.10

Топширилди — 01.55 1 2 3 4 5 6

ISSN 0013-0788